

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 14-dekabr, payshanba

№ 50 (9266)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 12 декабрь куни пахта хомашёсини етиштириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 9 ноябрь куни ўтган видеоселектор йиғилишида пахтачилик тармоғида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатларни янгича ташкил этиш, пахта уруғчилигига илғор ёндашувларни жорий қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Йиғилишда ушбу топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади.

Чигит экилишдан аввал фермер хўжаликлари ва вилоят ичидаги кластер ўртасида тупроқ ҳосилдорлиги доирасида фьючерс шартномалари Товар-хом ашё биржасининг "пахта хомашёси секцияси"да ҳар бир ҳудуд учун ўтказиладиган савдолар орқали тузилади.

Бунда фермер ўзи етиштирадиган пахтанинг миқдорини биржага жойлаштиради ҳамда баландроқ нарх таклиф этган вилоят ичидаги кластер ушбу фермер билан фьючерс шартномасини тузади. Бошланғич нарх Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охири 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгиланади.

Фьючерс шартномасидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинadиган бирламчи ва иккламчи маҳсулотларни фермер хўжаликлари тўғридан-тўғри фьючерс шартномаси тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотади.

(Давоми 2-саҳифада)



☎ БУХОРО ВИЛОЯТИ

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИРРИГАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ БЕТОНЛАШТИРИЛМОҚДА

Бугунги кунда Бухоро вилоятида ҳам мавжуд насос станциялари, сув омборлари, канал ва коллектор тармоқларини модернизация қилиш орқали сувни тежаш, обихаётни етказиш харажатларини қисқартириш бўйича ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган "Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил" доирасида 1 минг 200 километр узунликдаги каналлар ва ички сув тармоқларини бетон қопламага ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тузилиб, амалий ишлар бошлаб юборилган.

Айни йўналишда бажарилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ҳокими Ботир Зарипов секторлар раҳбарлари, тегишли соҳа мутасаддилари ҳамроҳлигида Когон туманида бўлди.

Маълумотларга кўра, туманда фермер хўжаликлари, кластер корхоналари қарашли жами 700 километр ички тармоқ ариқлари мавжуд. Шундан 115 километр ариқлар бетонлаштирилган. Туман ирригация бўлими тасарруфидоги тармоқлар эса 65 километрни ташкил этиб, уларнинг 61 километри бетонлаштирилган. Жумладан, "Ябон" аригининг 6,5 километр узунликдаги қисми тўлиқ бетонлаштирилган. Қолган ҳудудларда ҳам жараён давом этмоқда.

Вилоят ҳокими Ботир Зарипов "Ябон" аригининг бетонлаштирилган қисмини кўздан кечириб, унинг қирғоқ қисмларида дарахт кўчатларини экиш, қолган ички тармоқларни ҳам тозалаш ва бетонлаштириш бўйича масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Шунингдек, қишки тадбирларни сифатли амалга ошириб, шўр ювиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Аму-Бухоро ИТХБ матбуот хизмати



ПАХТА СЕКТОРИДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА МИЛЛИЙ УСТУВОРЛИКЛАРНИ БЕЛГИЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Пойтахтимизда "Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси трансформациясининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка таъсири" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, "Better Cotton" халқаро ноҳукумат ташкилоти ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга маҳаллий ва хорижлик масъуллар ва мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар таклиф этилди.

"Better Cotton" дастурининг иккинчи кўп томонлама йиғилишида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси ўринбосари Эркин Гадов, "Better Cotton" халқаро ноҳукумат ташкилотининг глобал дастурлари катта директори Дамиен Санфилиппо, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ички корхоналари уюшмаси раиси Илҳом Ҳайдаров ва бошқалар мазкур тадбир мамлакатимизда пахта секторидоги барқарорлик ва миллий устуворликларни белгилаш масалаларини муҳокама қилиш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда барча манфаатдор томонлар учун қулай мулоқот майдони эканини қайд этди.

Айниқса, бу мулоқот майдонида "Better Cotton Uzbekistan" дастурининг амалий натижаларини сарҳисоб қилиш ва келгуси режалар ҳақида фикр алмашишга замин яратилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу давра суҳбати "Better Cotton" халқаро ноҳукумат ташкилоти вакилла-

рининг Ўзбекистонда ўтказган иккинчи тадбири ҳисобланади. "Better Cotton" эса бу ташкилотнинг дунёдаги пахта барқарорлигини таъминлаш бўйича энг йирик дастурдир. Унинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш орқали пахтачиликнинг ривожланишига ёрдам беришдир. Ҳозирги кунда жаҳон пахтасининг қарийб чорак қисми "Better Cotton" стандарти асосида етиштирилади.

"Better Cotton" халқаро ноҳукумат ташкилотининг бу галли тадбири мамлакатимизда бир йил давомида олиб берилган ишларни белгилашга қаратилган. Унда мутахассислар барқарор иқтисодий ривожланиш ва бозорга кириш, регенератив қишлоқ хўжалиги, муносиб меҳнат ва гендер тенглиги ҳамда "Better Cotton" тамойиллари ва мезонлари бўйича фикр алмашди.

— Аввало, ушбу тадбирнинг ўтказилиши биз учун катта ютуқ, — деди Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси раиси Илҳом Ҳайдаров. — Соҳадаги бу каби ўзгаришлар Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларидан бири дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг пахтаси халқаро даражада қабул қилиниши бўйича бир неча йиллар давомида ҳаракат қилганмиз.

(Давоми 2-саҳифада)

O'ZBEKISTONDA YASHIL MOLIALASHTIRISH ISTIQBOLLARI MUHOKAMA QILINDI

Toshkentda iqlimga maqbullashtirilgan qishloq xo'jaligi uchun yashil moliyalashtirish mexanizmlarini ishlash chiqish va qo'llab-quvvatlash bo'yicha treninglar o'tkazildi.

Mazkur tadbir BMT ning Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO) tomonidan O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Qishloq xo'jaligi vazirligi bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan O'zbekistonda yashil moliyalashtirishni rivojlantirish loyihasi doirasida tashkil etildi.

(Davomi 2-sahifada)



☎ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

БИР КЕЛИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА!

Бугунги ислохотлар ватан ичра кичик ватан бўлмиш маҳаллаларни обод қилибгина қолмай, одамларимизга муносиб шароитлар яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишдек мақсадларни кўзда тутати.



Масалан бизнинг уч минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган Қўшариқ маҳалламизда ҳам "Обод маҳалла – обод хо-

надон – обод кўча" дастури доирасида кўчалар тартибга келтирилди, салкам 2 км. масофага ичимлик суви тармоғи

тортилди, электр симёғочлари янгисига алмаштирилди. Кўчалар асфальтлашга тайёрлаб қўйилди. Шунингдек,

қизил тоифага киритилган 45 хонадон аниқланиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Яъни яшаш шароитлари учун энг керакли замонавий ошхона, ҳаммом, хожатхоналар қуриб берилди. Томорқаларга "тўқсонбости" экинлари экилди, кўчалар бўйидаги дарахтлар оқланди, ариқ-зовурлар тозаланди. Дастур доирасида маҳалла фуқаролар йиғинимиз учун бино қурилмоқда, қишлоқ врачлик пункти учун махсус контейнер ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

"Аёллар дафтари"га тўртинчи босқичда 85 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. Биринчи босқичда 58 нафар аёлга экин экиш учун ер берилган. Уларнинг мономарказда ўқитилиб, субсидия асосида тикув машинаси берилиши режалаштирилган. 27 нафар ишсиз ўтирган опа-сингилларимиз жамоат ишларига жалб этилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. "Ёшлар дафтари"да "қизил тоифа"да турган 19 нафар ёшларга ер берилди, олий ўқув юртларида ўқийётган талабаларнинг контракт пули тўлаб берилди, ишга жойлаштирилди. 43 нафар ногиронлиги бор шахсларга бир марталик моддий ёрдам тайинланди, уйлари таъмирлаб берилди, саломатлиги тикланди.

(Давоми 2-саҳифада)

2024 йил ҳосилидан бошлаб фермерлар ва кластерларга пахта хомашёсини етиштириш ва якуний ҳисоб-китоблар учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишнинг янги тизими жорий этилади



O'ZBEKISTONDA YASHIL MOLIALASHTIRISH ISTIQBOLLARI MUHOKAMA QILINDI

(Бoshi 1-sahifada)

Global yashil o'sish instituti (GGGI) bilan hamkorlikda tashkil etilgan treninglarda yashil iqtisodiyot dasturlarini amalga oshirishda ishtirok etuvchi davlat idoralari vakillari, shuningdek, ushbu sohada'gi loyihalarni moliyalashtiruvchi O'zbekiston bank sektori vakillari ishtirok etdi.

Treninglar ishtirokchilarni yashil moliyalashtirish asoslari, shuningdek, ekologik xavflarni aniqlash, kamaytirish va baholash bo'yicha ESG strategiyasi vositalari bilan tanishtirish maqsadida o'tkazildi. Shu bilan birga, ESG strategiyasi uchta asosiy omilga asoslangan kompaniyani boshqarish va rivojlantirish tamoyilini ifodalaydi: Environment (ekologiya va atrof-muhit),

buyon rivojlanib kelmoqda hamda arzon va toza energiya, shaharlar va aholi punktlarining barqarorligi, iqlim o'zgarishiga qarshi kurashish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish bo'yicha Barqaror Rivojlanish Maqsadlariga erishishga yordam beradi.

FAO O'zbekistonda yashil moliyalashtirish mexanizmlarini ishlab chiqishni va rag'batlantirishni, xususan, iqlim sharoitlarini hisobga olgan holda ekologik toza qishloq xo'jaligini qo'llab-quvvatlaydi. Iqlimga maqbullashtirilgan qishloq xo'jaligi – bu barqaror dehqonchilik amaliyotini rivojlantirishga, uning iqlim o'zgarishiga qarshi turish qobiliyatiga va xususan, issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirishga yordam beradigan kompleks yondashuv.



Social (ijtimoiy rivojlanish), Governance (korporativ boshqaruv). Treninglar davomida ekologik jihatlarini biznes kun tartibiga kiritish va iqlimiy xavflarni baholashning samarali tizimini yaratishga alohida e'tibor qaratildi.

Tadbirida ta'kidlanganidek, yashil moliyalashtirish – bu atrof-muhitga salbiy ta'sirni kamaytirish bilan bog'liq loyihalarni moliyalashtirish. Global miqyosda yashil moliyalashtirishni amalga oshirish 15 yildan ortiq vaqtdan

Tadbirida qayd etilganidek, moliyalashtirish tashabbuslari iqlimga mos qishloq xo'jaligini rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi. Tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va barqaror dehqonchilik amaliyotini targ'ib qilish iqlimga maqbullashtirilgan qishloq xo'jaligi tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash uchun investitsiyalarni jalb qilishning muhim omilidir.

O'zbekiston Qishloq xo'jaligi vazirligi axborot xizmati

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Пахта хомашёси фермерларнинг ўз маблағлари, шу жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирилганда пахта хомашёси ва ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар биржада эркин сотилади.

Йиғилишда пахта хомашёсини етиштирувчи хўжаликларга биржада иштирок этиш тартиби юзасидан ўқув семинарлар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди. Кластерлар ва бошқа корхоналар томонидан пахта хомашёси фақат электрон тарози орқали қабул қилиниши ҳамда пахта толасини автоматлашган ҳисобга олиш тизими жорий қилиниши белгиланди.

2024 йил ҳосилидан бошлаб фермерлар ва кластерларга пахта хомашёсини етиштириш ва якуний ҳисоб-китоблар учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишнинг янги тизими жорий этилади.

Ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан агротехник тадбирлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, моддий ресурслар етказиб берувчилар фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан ихтиёрий танланади.

Кредит буюртмалари тўлиқ электрон шаклда тақдим этилади.

Пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш тартибини ҳам янгилаш зарурилиги таъкидлаб ўтилди.

Бунда кластер ташкил этишга талабдорлар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг камида иккита босқичини йўлга қўйган бўлиши, солиқлар ва мажбурий ажратмалардан ҳамда банк кредитларидан муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги керак бўлади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилиб, кластер фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган талабдорлар очик ва шаффоф онлайн танлов асосида танлаб олинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кластерлар реестрини юритади ва ушбу реестрни ўзининг веб-сайтида доимий эълон қилиб боради. Вазирликка энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизими бўйича кластерларнинг автоматлаштирилган рейтингини юритиш дастурини яратиш топширилди.



Йиғилишда пахта уруғчилигини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган Президент қароридан келгуси йилдан пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизига тажриба-синов тариқасида хорижий пахта навларини жойлаштиришга рухсат бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тажриба тариқасида 14 та тумanning балл бонитети паст, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларида юқори ҳосилдор маҳаллий ва хорижий навлар жойлаштирилиши белгиланмоқда.

Хориждан олиб кириладиган пахта навлари учун алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талабларини жорий этиш, ушбу навларни етиштиришни махсус карантин кузативида ва Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида олиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан ғўза навларини жойлаштиришда кафолатланган уруғ таъминотиغا мувофиқ эркинлик берилмоқда.

Республикада ғўзанинг серҳосил ва

саноатбоп янги навларини яратишни рағбатлантириш мақсадида қатор ва-зифалар белгиланмоқда.

Жумладан, маҳаллий истиқболли ғўза навларини қўпайтириш, унинг сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда навни тижоратлаштиришда кластер ва фермерларга тегишли навга ҳаммуаллифлик қилишга рухсат берилади. Сертификатланган уруғлик тайёрлашни босқичма-босқич кластерлар ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказиш кўзда тутилган.

2024 йилдан бошлаб 30 центнердан паст ҳосил бераётган навлар мунтазам аниқлиниб, серҳосил маҳаллий ва хорижий навларга алмаштириб бориш амалиёти жорий қилинади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мазкур тизимни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда Уруғчилик маркази фаолиятини трансформация қилишга топшириқ берилди.

Ўзбекистонда толали экинлардан чиқадиган маҳсулотлар, тола чиқими, пахта саноати соҳасида махсус муассаса мавжуд эмаслиги боис пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи – “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ негизида

Толали экинлар илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш тақлиф этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда Генетик модификацияланган организмлар ва уларнинг маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича илмий экспертизаси жорий қилинади ҳамда генетик модификацияланган навлар миллий базаси шакллантирилади. Бу орқали ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинадиган ГМО маҳсулотлари хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек, ГМО маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Соҳани рақамлаштириш мақсадида 2024 йил якунига қадар “е-уруғ” платформаси ишга туширилади. Унда уруғчилик корхоналари ва хўжаликларининг ўзаро интеграциялашуви, нав ва дурагайлارнинг уруғ таъминоти ва захираси, ҳудудларга мослиги ва агротехнологиялари, эркин ва шаффоф жойлаштириш, қайта тақсимлаш, сертификат олиш имконияти яратилади.

Президентимиз ушбу тақлифларни маъқуллаб, янги тизимни амалиётга жорий қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ПАХТА СЕКТОРИДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА МИЛЛИЙ УСТУВОРЛИКЛАРНИ БЕЛГИЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

(Боши 1-саҳифада)

Дунёда тан олинган нуфузли “Better Cotton” дастурининг таъбиқ этилиши пахта саноати учун муҳим босқич бўлиб, истеъмолчилар учун келиб чиқиш шаффофлиги ва барқарор ишлаб чиқариш кафолатини таъминлайди. Ўз навбатида, пахта тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларимизни сезиларли даражада оширади.

– Ўзбекистон пахта саноати равнақи йўлида ҳамкорлигимиз ижобий самара беради, – деди “Better Cotton” халқаро ноҳукумат ташкилотининг глобал дастурлари катта директори Дэмиен Санфилиппо. – Албатта, бу бир лаҳзалик ҳолат эмас, бу аниқ ҳаракат ва ҳам-манинг – ҳукумат, фуқаролик жамияти, брендлар ва чакана сотувчилар, пахта етиштирувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва академик ҳамкорларнинг бизга қўшилишларига умид қиламиз.

Давра суҳбатида иштирокчилар ҳамкорликда амалга оширилган ишлар самарасини сарҳисоб қилар экан, ушбу йўналишдаги келгуси режалар юзасидан ҳам фикр ва тақлифларини билдирди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,

ЎЗА мухбири.

батта, бу бир лаҳзалик ҳолат эмас, бу аниқ ҳаракат ва ҳам-манинг – ҳукумат, фуқаролик жамияти, брендлар ва чакана сотувчилар, пахта етиштирувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва академик ҳамкорларнинг бизга қўшилишларига умид қиламиз.

Давра суҳбатида иштирокчилар ҳамкорликда амалга оширилган ишлар самарасини сарҳисоб қилар экан, ушбу йўналишдаги келгуси режалар юзасидан ҳам фикр ва тақлифларини билдирди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,

ЎЗА мухбири.



RESPUBLIKA TARMOQLARARO SANOAT YARMARKASI O'Z ISHINI BOSHLADI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining joriy yil 11-maydagi qarorining ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi, Qishloq xo'jaligi vazirligi, Toshkent shahar hokimligi va Raqamli transformatsiya markazi hamkorligida poytaxtimizdagi “O'zbekpomarkaz” Milliy ko'rgazmalar majmuasida mahalliy ishlab chiqaruvchilarning Respublika tarmoqlararo sanoat yarmarkasi o'z ishini boshladi.



Mazkur yarmarka respublikaning yirik sanoat tashkilotlari bilan mahalliy sanoat korxonalari o'rtasida ishlab chiqarish kooperatsiyasini yanada kengaytirish maqsadida tashkil etildi.

Yarmarka davomida import bo'yicha yirik tarmoq korxonalari tomonidan xarid qilingan import o'rmini bosuvchi mahsulotlarning namoyishi bo'lib o'tmoqda.

Ushbu sanoat yarmarkasida 20 dan ortiq standlarda mevasabzavotlarni qayta ishlovchi o'zbek korxonalarining sharbatlari, qiyom va murabballar,

konservalangan mahsulotlar joy olgan.

Bundan tashqari, Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi bilim va innovatsiyalar Milliy markazi tizimidagi ilmiy-tadqiqot institutlari ko'rgazmada o'zlarining qishloq xo'jalik mahsulotlarining yangi navlarini namoyish etmoqda.

Respublika tarmoqlararo sanoat yarmarkasi joriy yilning 15-dekabriga qadar davom etadi.

O'zbekiston Qishloq xo'jaligi vazirligi axborot xizmati

БИР КЕЛИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА!

(Боши 1-саҳифада)

Албатта, бу жараёнда маҳалла-миз аҳолиси ҳам четда қараб тургани йўқ. Кекса-ю ёш бел боғлаб, ҳамжиҳатликда иш ташкил этдилар. Кенг кўламли ишларни ташкил этишда маҳалла ҳоким ёрдамчиси Жасурбек Ҳушёржонов, ёшлар етакчиси

Бобуржон Қенжаев, хотин-қизлар фаоли Қимматхон Исмоновларнинг ҳиссаси катта. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қўшарикда ажрим ёқасида турган оилалар йўқ. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда араз, гинахонлик бўлмайди. Маҳалламизнинг ўсиш драйвери иссиқхоналар-

дан фойдаланиш дейиш мумкин. Ҳар бир кўчамизда камида 35-40 хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Ҳусанбой Қосимов, Одилжон Ортиқов, Нўмонжон Розиков лимон етиштиришда тажриба мактабини яратганлар. Иссиқхоналарда резавор экинлар, мавсумий ва хона гуллари етиштирилиб, ички бозорга йўналтирилмоқда. Бир йилда томорқадан уч-тўрт бора ҳосил олаётган бободоҳонларимиз 30-40 миллион сўмдан даромад олишмоқда. Бундан ташқари, асаларичилик йўналишида ҳам кўплаб хонадонларда шифо-бахш асал етиштирилади. Дилшод Абдурахмонов, Тоҳиржон Акрамов, Ҳошимбой Бобо-жонов, Собиржон Қўчқоров каби асаларичилар эл дастурхонига тонналаб бол етказиб бермоқда-лар. Маҳалламизда ўттиздан ортиқ тадбиркорлар бор. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалламизда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари,



ғўзаллик саломи, чевархона, автомобиль тузатиш устaxonалари қуриб, битказилди. Буларга мисол қилиб “Жўрабек ота гузари” МЧЖ раҳбари Дилшод Уматов, “Ғойиб ота набиралари” МЧЖ раҳбари Ҳасанбой Раҳмонов, “Ҳусанбой ота” МЧЖ раҳбари Рустамжон Қосимовларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳалламизда дастур доира-сида ташкил этилаётган ишлар-га шахсан вилоятимиз раҳбари масъул. Туманимиз ҳокими,

сектор раҳбарлари ва кенг жа-моатчилик вакиллари ҳам бирга-ликда бу ерда олиб борилаётган ишларни ташкиллашда жонбоз-лик кўрсатмоқдалар. Минг мар-та эшитгандан бир марта кўрган афзал дейдилар. Яқинда кенг қамровдаги ишлар якунига е-тади. Яхшиси, маҳалламизга бир келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг, ўзгаришларга гувоҳ бўлинг!

Шоира ИМИНОВА,
Норин туманидаги
“Қўшарик” МФЙ раиси.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган вилояти “Нуронийлар маскани”да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги ҳамда 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунни муносабати билан ташкилланган тадбир шундай номланди. Унга “Нуроний” жамғармаси шаҳар-туман бўлимлари раҳбарлари, Нуронийлар жамоатчиликлари кенгаши фаоллари, шунингдек, бугунги кунда сафларимизда йўқ бўлсалар-да, вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўз соҳасида фидойилик ва ташаббускорлик билан меҳнат қилиб, халқ ҳурматиға сазовор бўлган 28 нафар фахрийнинг оила аъзолари, фарзандлари таклиф қилинди.

Вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Икромхон Нажмиддинов тадбирни очар экан, юз нафар ногиронлиги бўлган кексага 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам, етмиш нафар ётиб қолган фахрий беморга алоҳида кўмак, оғир касаллиги бўлган нуронийларга эса шифокор ташхиси бўйича дори-дармон учун жамғарма томонидан маблағ ажратилгани, шунингдек, ҳозиргача ўзгалар парваришига муҳтож ва якка-ёлғиз эҳтиёжмандлардан 1800 нафари Фарғонадаги “Уч чашма” санаториясида жамғарма маблағи ҳи-



“ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС”

собидан дам олиб қайтгани, вилоятдаги 788 маҳалладан бир нафардан кексага қон босими ўлчагичи, яъни тонометр тарқатилганини айтиб ўтиб, ногиронлиги бор нуронийлар, якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ҳаммisha жамғарманинг диққат-эътиборида эканлигини таъкидлади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мусоҳон Алпаков, “Нуронийлар кенгаши” аъзоси, меҳнат фахрийси, “Дўстлик” ордени

соҳиби Хорунхон Аюбхоновлар ўзларидан яхши ном қолдирган фахрийлар ишини ҳозирда шоғирдлари, фарзандлари давом эттираётганлигини эътироф этди.

Тадбирда ҳамкорликдаги фаолияти учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув маркази директори, ўттиздан зиёд китоб муаллифи Раҳмонжон Эгамбердиевга Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний”

жамғармаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Хотирланаётганлар яқинлари номидан сўзга чиққан Клара Тўрабоева кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун ташкилотчи ва ҳомийларга миннатдорчилик билдирди.

Кечада спортнинг шахмат-шашка, теннис турлари бўйича нуронийлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақа ғолиблари ҳам жамғарманинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вилоят мақом ансамбли, мусикали драма театри ҳамда Наманган шаҳар ҳокимлиги маданият бўлимининг хонандаю созандалари ижросида янграган куй-қўшиқлар даврага янада завқ бағишлади. Таниқли сўз устаси Баҳодир Жўраев томонидан ижро этилган ичакузди хангомалар эса томошабинларга кўтаринки кайфият улашди.

Меҳмонларга вилоят ҳокимлиги ҳамда жамғарманинг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари, Раҳмонжон Эгамбердиевнинг “Одобимиз – миллат кўзгуси” номли китоби тарқатилди.

Шунингдек, тадбирда сув ресурсларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш тарғиботи бўйича “Ўзбекистон Фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Нуронийлар жамоатчиликлари Кенгашининг “Нуронийларнинг сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан вилоят аҳолисиға мурожаати” ҳам қабул қилинди.

Фотимахон ТОШМАТОВА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЎҚИТУВЧИ – ТАДБИРКОР

Каттақўрғон тумани Бургансой маҳалласидаги 105-умумтаълим мактабининг ҳарбий таълим фани ўқитувчиси Абдукарим Раҳмонов ўз фанининг жонқуяр ва билимдон мутахассиси. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган муаллим дарслардан ташқари, тўғарақлар ташкил қилиб, ўқувчилари билан мунтазам равишда шуғулланади. Туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳам Абдукарим Раҳмоновнинг ўқувчилари фаол иштирок этиб, совринли ўринларни бир неча бор қўлга киритган.

Ёшларни ҳарбий қақирққа тайёрлашда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Абдукарим Раҳмонов кўплаб мураббийларга намуна бўла олади. Абдукарим Раҳмонов вақтининг қадриға етадиган, ҳар бир

дақиқани олтинга тенг билиб, беҳуда ўтказмайдиган инсон. Фикримизни муаллимнинг ўз шахсий томорқасида амалға оширган хайрли ишлари тўла-тўқис исботлайди. Ўқитувчилқдан ташқари, жисмоний меҳнатға, деҳқончи-

ликка меҳр қўйган қаҳрамони-миз халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида томорқасида иссиқхона ташкил қилди. Иссиқхонада етиштирилган лимон, мандарин, узум, ноёб атиргул ва кўкатлар кўрган кишининг ҳава-



сини келтиради. Маҳалла раиси Нурмурод Рустамов иссиқхонани томоша қилар экан, маҳалласида шундай хайрли ишлар амалға оширилаётганлигини кўриб, қувонади ва ҳайратланади. “Баракатопинг, Абдукарим ака! Мен сизнинг олий даражадаги ўқитувчи эканлигингизни билардим, аммо уста боғбон эканингиздан беҳабар эканман. Бундай олижаноб ишларингизни, томорқадан унумли фойдаланиш йўл-йўриқла-

рини маҳаллага намуна қилиб кўрсатамиз”, дея маҳалла оқсоқоли фидойи ўқитувчи, тадбиркор Абдукарим Раҳмоновнинг фаолиятиға улкан муваффақиятлар тилади.

Ҳа, бир йигитға қирқ ҳунар кам, меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, Абдукарим Раҳмонов ўзининг ҳам ўқитувчилик, ҳам тадбиркорлик фаолияти билан эл орасида эътибор топлмокда.

Ҳасан АЛМАТОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

КЛАСТЕРДА 32 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА ҲИСОБИДАН 600 ДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Фарғона вилояти Риштон туманида “Kosto Line Holding” хорижий корхонаси томонидан қиймати 32 миллион долларға тенг янги лойиҳа ишға туширилди.



Россиялик тадбиркор Магомед Костоев раҳбарлиғидаги ишбу корхона йилиға жами 20,6 минг тонна калава ип, мато, момик сочиқ, чойшаб маҳсулотлари ишлаб қақариш қувватиға эға бўлиб, йилиға 30 миллион долларлик экспортни амалға ошириш кўзда тутилган. Юқори технологик ускуналар ўрнатилган замонавий корхонада 600 дан зиёд доимий иш ўрни яратилган.

Корхона очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Фарғона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластерлари тизими жорий этилгани натижасида хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган занжирни қамраб олган йирик ишлаб қақариш мажмуалари шаклланаётганини қайд этиб, туманларда саноатни ривожлантиришда, аҳоли бандлиғи ва даромад-

ларини янада оширишда бу муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Вилоят ҳокими Магомед Костоев раҳбарлиғидаги пахта-тўқимачилик кластери томонидан Риштон туманида пахтачилиқда инновацияларни қўллаш, фермерлар билан намунали ҳамкорлик қилиш борасида амалға оширилаётган ишларни эътироф этиб, тадбиркорға ташаккурнома топширди.

Яна бир муҳим жиҳати, янги корхонада энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилмокда. Корхона ҳудудида умумий қуввати 212 кВт/с бўлган куёш панеллари ўрнатилган. Бундан ташқари илгор техник ва технологик ечимлар асосида кўп босқичли ишлатилган сувларни тозалаш тизими йўлга қўйилган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Эълонлар

Василченко Светлана Искандеровна номиға 1993 йил 8 октябрда 07-22/1042 рақаами билан берилган хонадонға эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери ва кадастр ҳужжати йўқолганлиғи муносабати билан ҳақиқий эмас ҳисобланади.
“GROSS SUGURTA KOMPANIYASI” АЖ Яшнобод филиалиға компания томонидан сотиш учун тақдим этилган қуйидаги – GIT 215455, GIT 219321, GIT 297172 (травел) сугурта полислари йўқолганлиғи муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.
Курьева Ольга Михайловна номиға 1992 йил 25 декабрда 08-01/4894 рақаами билан берилган хонадонға эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери ва кадастр ҳужжати йўқолганлиғи муносабати билан ҳақиқий эмас ҳисобланади.
“GREEN TV” МЧЖ (СТИП 302 996 279) устав жамғармаси 4 650 473 894 сўм 42 тийиндан 4 250 473 894 сўм 42 тийинға камайтирилаётганлиғини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Жарқўрғон кўчаси 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.
“BRAVO INVESTMENT” МЧЖ (СТИП 302 693 387) устав жамғармаси 482 884 393 сўм 38 тийиндан 324 484 393 сўм 38 тийинға камайтирилаётганлиғини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри Яшнобод тумани М. Ашрафий кўчаси 103 А уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Тузатиш. Газетамизнинг 2023 йил 1 декабрдаги 48-(9264) сонида чоп этилган “Фирибгарнинг иши ҳаммага зарар” сарлавҳали мақоланинг муаллифи “Ойбек Худойбергенов, Хавос транспорт пурукурори катта ёрдамчиси, 1-даражали юрист.” деб тузатиб ўқилсин.

ЭРТАМИЗНИ МАТБУОТСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
адабиётшунос олим

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўпгина ишларни, улкан ислохотларни эътироф этмаслик мумкин эмас. Кўпчилик “имкони бўлмаса керак” деб юрган қанча масалаларга ечим топилди. Айтайлик, узоқ йиллар давомида мактаб ўқувчилари, олий таълим ўқоқларининг талабалари мажбурий ҳашарга чиқмаса ҳам деҳқон йил давомида етиштирган пахта қор-ёмғир тагида қолиб кетмаслиги мумкин экан. Қишлоқ хўжалиги тўғри бошқарилса, ер ўз эгаларига берилса, ҳаммасини эгласининг илоҳи бора экан.

Умуман, мажбурий меҳнат масаласи ўз ижобий ечимини сўнгги 6-7 йил давомида топди. Буни бутун дунё афкор-оммаси бежиз эътироф этаётгани йўқ.

Ёки банклардаги ур-сурлар, валюта айирбошлаш шахобчаларидаги гирромликларга ҳам чек қўйилгани-чи. Марҳамат, кимга қанча хорижий валюта керак бўлса, сотиб олаверсин.

Бўлар экан-ку. Буларнинг бари, албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси, Юртбоши сифатидаги кескин талаби тўғрисида амалга ошди деб ўйлайман.

Бундан ташқари, олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилишдаги минг хил “уйин”лар ёки халққа кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий юзлаб хизматларнинг шаффофлигига эришилгани ҳам катта қадамлар бўлди десак янглишмаймиз.

Энди бугунги кунда узоқ йиллардан буён чоп қилиниб келинаётган қатор газета ва журналларнинг аҳолини янада яхшилаш, матбуотни, аниқроқ айтганда, босма нашрларни қўллаб-қувватлаш муҳим масалага, оғир муаммага айланиб қолгани ҳақида айтмоқчиман. Нега деганда, бир пайтлар қарийб бир миллион нусхада чоп этилган нуфузли газеталарнинг ҳозир минг нусха нари-берисиди чиқаётгани барибир ўта уятлидир.

Ёки болалар нашрларини олайлик. Мамлакатда ўн мингдан зиёд мактаблар бор экан-у, уларда миллионлаб фарзандларимиз тахсил олишар экан-да, келажагимиз эгаларининг нашрлари атиги 2-3 минг ададда чиқиб турса?

Ҳамма билади, бугун “мажбурий обуна” мумкин эмаслигини. Шу боис, обуна қилиш — ўлимдан қийин. Аммо давлат раҳнамолик қилса, ҳомийлик қилса, газета ва журналлар, ҳеч бўлмаса мамлакатдаги асосий нашрлар, яъни ҳаммага керак, давлат сиёсатини, маънавиятини, маърифатини кўтарадиган нашрларнинг қаддини тиклаш мумкин бўлади.

Ахир нима учун дунёда Америка, Япония, Хитой, Туркия, Англия ва бошқа тараққиётли юксак ривож топган давлатларда бир миллион ва ундан юқори ададда чиқаётган нашрлар бор. Уларда одамларнинг уйига газеталар келади. Мисол учун Нидерландия мисолида кўп гапириб шикланган. Бу юртда хонадонларга эрта тонгда энг сара нашрлар келар экан. Афсуски, бизда минг-минглаб маҳаллалар, қишлоқларга деярли газета ва журналлар бормади қолди. Ачинарли ҳол бу.

Тўғри, бугун замон ўзгарди. Бир пайтлардагидек одамлар газета дўконларига навбатда турмайди. Тезкор хабарларни ҳам, янгиликлар-

ни ҳам ҳамма қўлидаги шапалоқдек телефондан билиб олади. Бироқ интернетни деб матбуотдан воз кечилса, тўғри бўладими? Албатта, хато бўлади. Чунки интернет ва ижтимоий тармоқлар қанчалик муҳим бўлмасин, ундан хотира сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Менинг фикримча, “бозор газеталари”ни ўзига қўйиб бериш керак. Улар тижорат, реклама билан яшаса, яшаб кетаверади. Аммо... “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият”, “Жамият”, “Қишлоқ ҳаёти”, “ХХI аср”, “Миллий тикланиш”, “Адолат”, “Ишонч”, “Ёшлар овози”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, “Жаҳон адабиёти”, “Саодат”, “Фан ва турмуш” сингари нашрларни йўқотиб бўладими? Агар йўқотадиган бўлсак, уларнинг ўрнига нима бера оламиз? Ахир бу нашрлар илдизи чуқур, ҳамиша ва ҳаммага керак нашрлар. Зеро, фикри оғизимча, Учинчи Ренессанс гоёсини матбуотсиз эълуртга тўлақонли сингдириб бўлмайди. Қолаверса, шунча оғир юмушларни, улғу бунёдкорликларни бажараётган Ўзбекистонимиз учун юқорида мен санаган ва санамаган, айтайлик, жами бўлиб 20 та нуфузли нашрни хонадонларга, ўқишга қанқоқ аҳолига етказиб бериш ҳам чўт эканми?

Камина узоқ йиллар турли матбуот нашрларида меҳнат қилганим, бутун умр ҳаётимни адабиётга, маънавиятга бағишлаган бир зиёли сифатида муҳтарам Президентимиз томонидан сўнгги йилларда китобхонлик ва умуман маънавий-маърифий соҳаларга эътибор, ғамхўрлик қилиб келаётганларини доимо олқишлайман. Ишончим комил, ўзбек матбуоти яқин вақтлар ичида қаддини ғоз кўтаради, ўзини ҳурмат қилган катта-кичик барибир матбуотга албатта қайтади.

“Хуррият” газетасидан олинди.

✎ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

МАҲАЛЛАГА
МАКТАБ
КЕРАК

ЁХУД ГАНДИМИЁНЛИКЛАР ҚАЧОНГАЧА
ЮРАГИНИ ҲОВУЧЛАБ ЯШАЙДИ?

Гандимиён Хива шаҳрининг шундоққина кунчиқаридаги қадимий ва тарихий қишлоқлардан бири. Рус генерал губернатори фон Кауфман ва Хива хони Муҳаммд Раҳимхон Соний ўртасидаги шартнома ҳам шу қишлоқда тузилган.

Асосий муддаога ўтсак, Гандимиён маҳалласи аҳолиси мана неча йиллардан бери ўз ҳудудларида умумтаълим мактаби қурдириш учун овараяю сарсон. Ёзмаган жойи, учрашмаган амалдори қолмади ҳисоб. Аҳолиси зич жойлашган ҳудудда мактаб қуриш учун балки бўш ер майдони йўқдир дейсиз. Ер бор, шундоққина қишлоқнинг ўртасида, 1,5 гектар. Аҳоли шугина ерни кўз қорачиғидай асраб, фарзандларимиз учун мактаб қураимиз, тоқайгача болаларимиз 4,5-5 километр масофага қатнаб ўқийди, дейишмоқда.

МФЙ раиси Ш.Матчононнинг билдириш хатига кўра, маҳалла ҳудудидида жойлашган 8 та кўчада 727 та хонадон бўлиб, уларда 368 нафар мактаб ёшидаги болалар бор. Шуларнинг 176 нафари Хива шаҳридаги 12-умумтаълим мактабига, 211 нафари Отажон Тўра МФЙ даги 6-умумтаълим мактабига қатнаб, ўқийди. Аҳоли 2019 йилнинг 8 февралидида Хоразм вилояти ҳокими номига мактаб қурилиши тўғрисида мурожаат қилганди. Унга вилоят ҳокими ўринбосари С.Салаев имзоси билан қуйдагича жа-

воб хати келади: “Хоразм вилояти Хива тумани Гандимиён қишлоғи “Усталик” кўчасида яшовчи Назаров Абдушариф ва бошқалар (40 нафар мурожаатчи) томонидан 2019 йил 8 февралда вилоят ҳокими Ф.Эрмонов номига маҳалла ҳудидида янгидан умумтаълим мактаби қуриб бериш бўйича йўлланган мурожаат вилоят ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш даврида Гандимиён маҳалласи Усталик кўчаси ҳудудига 1,5 км. оралиқ масофада жойлашган Хива шаҳридаги 1440 ўқувчи ўринли 12-умумтаълим мактабиди бугунги кунда 2609 нафар ўқувчи 1,8 коэффициентда таълим олаётганлиги ва ушбу ўқувчиларнинг 357 нафари “Усталик” маҳалласидан қатнаб, ўқиётганлиги аниқланган. Юқоридагиларни инobatта олиб, Хива тумани ҳокимлиги ҳамда Халқ таълими бошқармаси томонидан ушбу манзилда янги мактаб қурилишини 2020 йил Инвестиция дастурига киритилиши бўйича таклиф киритилиши белгиланганлиги фуқароларга тушунтирилди...” Шу билан мурожаат назоратдан олинди, олам гулистон. Мана шунақа. Албатта, халқ рози бўлади-да, қаноат қилади-да, 2020 йил дастурга киритамиз, деб тургандан кейин. Агар шу гаплар аслида амалга оширилганида эди, бу йил мактаб қурилиши тугалланиб, болалар унда ўқиётган бўларди. Аммо...Ундан кейин уч

қовун пишиғи ўтди. Ҳокимлар алмашди. Аҳоли бари бир сарсон-саргардон қолаверди. Мактаб ҳам йўқ, мурожаатлар ҳам ора йўлда.

— Сизга айтсам, узоқ йиллардан бери бу маслани кўтарамиз гоҳ ёзма, гоҳ оғзаки. Аммо натижа йўқ, — дейди шу маҳаллалик мурожаатчи Абдушариф Назаров. — Тўғри, 12-умумтаълим мактаби бошқа мактабларга нисбатан яқин. Аммо мактаб рус тилига ихтисослашган. Буюм майли, фарзандларимиз серқатнов йўлни кесиб, мактабга қатнайди. Ота-оналар болалари мактабга бориб, келгунга қадар юрагини ҳовучлаб ўтиришади. Масалан, 2013 йили йўлни кесиб ўтаётган 1-синфда ўқийдиган 4 нафар ўқувчини машина уриб юорди. Бир нафари воқеа жойда вафот этди. Уч нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Яна бир томони, ҳар бир синфда 35-40 нафардан ўқувчи таълим олишга мажбур. Энди таълим сифати ҳақида ўзингиз ўйлаб кўраверинг!..

Абдушариф аканинг куюнганича бор. Ахир, гандимиёнликларнинг фарзандлари ҳам эмин-эркин, беҳавотир, яйраб-яшнаб таълим олишга ҳақлику! Шундай эмасми?

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

➤ Реклама

maxam - CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida

MgO
Magniy

N-34,4%

Ca
Kaltsiy

Mahsulot sertifikatlangan
№ UZ. SMT.01.080.64398163
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz

www.maxam-chirchiq.uz

➤ Қамра

Қайда бўлмайлик, киндик қонимиз тўкилган маконга ошиқамиз

Пул, бойлик, мол-дунё инсонни асосан 60-65 ёшгача қизиқтиради. Ундан кейингиси тан сиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик, ҳаловат, эътиборни кўнгли тусаб қолади.

“Уйимни битказволай, фарзандларимни ўқитиб олай, тўйларимни қилволай” сабабиди куч-қувватини чет элларда сарфлаётганларни-ку тушуниб, қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо тўрт ёни тўкис, ҳеч нимадан

камчилиги йўқ кишиларнинг хорих ҳавосига ошиқликларини қандай баҳолаш керак? Наҳотки, улар қалбидаги ватанпарварлик, юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини ғубор, кир қоплаган? Боши ёстиққа тегиб,

қазойи қадари етганда бегона тупроқ уларни бағрига сиғдирмаслигини, ҳеч бир рўйхатда йўқликларини нега бугун англамайдилар, ҳис этмайдилар? Магнит деган қаттиқ жисм бор, унинг ўзбекчаси оҳанрабо бўлса керак? Нимага биз олис-яқинга борсак, киндик қонимиз тўкилган маконимизга шошаверамиз? Бирпасда уни соғиниб қолаверамиз? Бу ўша, бизни ўзига магнитдек тортиб турган меҳр туйғуси, кўзга кўринмас қудрат жозибасидир. Чўлу биёбонни, саксовул остидаги қумлоқни ўзига “самбул Ватан” тутган жимитдек қушчадаги буюқ муҳаббат оташи барчамизнинг қалбларимизга илашсин, тафти билан нақшлансин. Токи, бизни азияу муқаррам қилган она заминимиз, халқимиз ва давлатимиз бир кун келиб барчамизни қадру қимматда сийлаб, шаънимизни шарафларга буркайди. Бунга асло шубҳа йўқ. Чунки, меҳр берган меҳр кўргусидир.

Рисликхон МАЖНУНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидида ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-1240. 1280 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: Тошкент вилояти Қибрай тумани,
Университет кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00